



## PROBLEMS OF AGROMARKETING AND ITS DEVELOPMENT

Dedajanov Baxtiyor Nabijanovich <sup>1</sup>, Eraliyev Avazbek Xalimjon o'g'li <sup>2</sup>

<sup>1</sup> Namangan Institute of Engineering and Technology, docent

<sup>2</sup> Student of Namangan Institute of Engineering and Technology

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4766343>

### ARTICLE INFO

Received: 1<sup>st</sup> May 2021

Accepted: 5<sup>th</sup> May 2021

Online: 10<sup>th</sup> May 2021

### KEY WORDS

agriculture, agromarketing, the purpose of agromarketing, tasks, factors, problems of agromarketing development.

### ABSTRACT

The article describes the measures and indicators implemented today in the country's agriculture. The role, essence, purpose, function and factors of agromarketing development in the development of agriculture are also indicated. The problems that are waiting to be solved in the development of agromarketing were highlighted.

## АГРОМАРКЕТИНГ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Дедажанов Бахтиёр Набижанович <sup>1</sup>, Эралиев Авазбек Халимжон ўғли <sup>2</sup>

<sup>1</sup> Наманган муҳандислик-технология институти и.ф.н., доц.

<sup>2</sup> Наманган муҳандислик-технология институти талабаси

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 1-May 2021

Ma'qullandi: 5-May 2021

Chop etildi: 10-May 2021

### KALIT SO'ZLAR

қишлоқ хўжалиги, агромаркетинг, агромаркетинг мақсади, вазифалари, омиллари, агромаркетингни ривожлантириши муаммолари

### ANNOTATSIYA

Мақолада бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, кўрсаткичлар баён этилган. Ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожланишида агромаркетингнинг ўрни, моҳияти, унинг мақсади, вазифаси, ривожланиш омиллари кўрсатилган. Агромаркетингнинг ривожланишидаги айрим ечимини қутаётган муаммолар ёритиб ўтилган.

Ер юзи аҳолисининг ўсиб бориши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва қайта ишлаш ҳажмини оширишга талабни кучайтиримокда, шунингдек жаҳон бозорларида харидоргир бўлган озиқ-овқат маҳсулотлар экспорти кўламини ошириш сингари долзарб муаммоларни ҳал этиш кечиктириб

бўлмайдиган масалалар қаторига қўймоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, “2050 йилга бориб жаҳон аҳолиси сони 9,2 млрд. кишига етиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни 70 фоизга ошириш



заруратини келтириб чиқармоқда”<sup>1</sup>. Бунинг учун аграр секторнинг таркибий тузилмасини такомиллаштириш, фермер, деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун самарали ўзаро ҳисоб-китоб механизмларини ишлаб чиқиш, маҳсулотларни саноат асосида қайта ишлаш кўламини кенгайтириш, маҳсулотлар сотиш бозорини яна ривожлантириш борасидаги масалаларни ҳал этишни тақозо этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳалари сингари қишлоқ хўжалигида ҳам сезиларли, шу билан бирга ижобий таркибий ўзгаришлар юз берди ва бу жараён бугунги кунда ҳам давом этиб келмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоғи каби аграр секторда ҳам Президентимиз томонидан кенг кўламли, ҳар томонлама пухта ўйланган ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида соҳада барқарор ўсиш суръатлари таъминланди ва таъминланмоқда. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши ўртача 3-3,5 фоизни ташкил қилаётганлиги, республика аҳолиси сонининг муттасил ортиб боришига қарамай, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат товарлари ҳажмининг бир неча баробаргача кўпайганлиги соҳада ислохотлар стратегияси нақадар тўғри танланганлигидан далолат беради.

Амалга оширилаётган ислохотлар, яратилган қулай шарт-шароит туфайли соҳада улкан ютуқларга эришилмоқда. Жумладан, 2020 йилда пандемия шароити

бўлишига қарамай, қишлоқ хўжалигини модернизация ва диверсификациялаш бўйича амалга оширилаётган дастурий чора-тадбирлар натижасида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмларини 3,1 фоизга, жумладан, мева-сабзавот – 3,4 фоизга, картошка – 1,7 фоизга, сабзавот маҳсулотлари етиштириш 2,4 фоизга ўсиши таъминлади.

Шунингдек, олти ярим миллион тоннага яқин ғалла, 3 миллион тоннадан зиёд пахта, 21 минг тонна пилла, 22 миллион тонна мева-сабзавот, икки ярим миллион тонна гўшт ва 11 миллион тоннадан зиёд сут маҳсулотлари етиштирилди. Шундан 1,5 миллион тонна ёки 822 миллион доллардан зиёд мева-сабзавот 70 дан ортиқ давлатга экспорт қилинди. Умуман олганда, 2020 йил ялпи ички маҳсулот таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 28,2 фоизни ташкил этди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 97 та пахта-тўқимачилик, 149 та мева-сабзавотчилик, 65 та ғаллачилик, 35 та шолчилик ва 7 та доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослашган кластерлар ва 11 та пахта-тўқимачилик кооперациялари фаолият юритмоқда. Шунингдек, қорамолчилик йўналишида 34 та, паррандачилик бўйича 10 та, балиқчилик тармоғида 36 та, асаларичилик йўналишида 15 та фермер хўжалигида кластер усулида маҳсулот етиштириш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, кейинги икки йилда республикада пиллачилик соҳасида 62 та кластер ишга туширилиб, улар томонидан 600 миллиард сўмга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Шу билан биргаликда 11 мингга яқин, яъни 90 фоиз фермер хўжаликлари кўп тармоқли хўжаликларга айлантирилди. Бунинг натижасида қарийб 37 минг аҳоли иш билан таъминланди.

<sup>1</sup> Позаботимся о будущем сельского хозяйства. - [www.bayer.ru](http://www.bayer.ru)



Кейинги йилларда эришилган ютуқларга қарамасдан, агросаноат соҳасининг бозор ва экспортга йўналтирилган рақобатбардошлигини таъминлашда, фермерлар даромадини оширишда, янги иш ўринларини яратишда, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳамда табиий ресурслардан барқарор фойдаланишда ёрдам берувчи, жаҳонда янги термин остида мужассамлашган «Ақлли қишлоқ хўжалиги» технологияларининг кенг имкониятларидан фойдаланишни тақозо этади ва уни алоҳида самарали тармоқ сифатида шакллантириш вазифаси долзарб бўлиб турибди.<sup>2</sup>

Бу борада мамлакатимиз Президенти Олий Мажлисга навбатдаги мурожаатномаси маърузасида “Иқтисодиётимиз ривожини, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири бўлган қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш зарур эканлигини айтиб, тармоқдаги ҳозирги ўсиш суръатлари бизни мутлақо қониқтирмайди. Бу борада бозор механизмларини кенг жорий этиб, фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини оширмас эканмиз, биз кутган сезиларли ўзгариш бўлмайди. Шу боис, пахта ва ғалла етиштиришга давлат буюртмасини бекор қилиб, ушбу маҳсулотларни бозор тамойиллари асосида харид қилиш тизимига босқичма-босқич ўтамыз. Агар бу йўлдан бормасак, фермер ва деҳқонларимиз маҳсулот етиштиришда эркин бўлмайди, улар ўзлари

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуи ва қишлоқ хўжалигида рақамлаштириш тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 794-сонли қарори. <https://www.lex.uz/>.

кутганларидек манфаат кўрмайди”<sup>3</sup> - деб таъкидлаб ўтди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори ривожини таъминлаш, таъсир қилувчи асосий омилларини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш маҳсулот етиштириш ҳажми, экспорт салоҳияти каби омилларнинг барчаси аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори тушунчасини кенгроқ ёритишга ёки асосан агромаркетинг тушунчасини ёритишга ҳаракат қилинади.

Бошқа ҳар қандай фаолият тури каби, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари асосида хўжалик юритувчи субъектларининг ўзаро боғлиқ вазифаларни ҳал қилиши учун **агромаркетинг мақсади** бор<sup>4</sup>.

Умумий қилиб айтганда, агромаркетингнинг мақсади - талабни шакллантириш ва рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси ишнинг режалари ва қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг асослигини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг савдо кўлами, бозор ҳиссаси ва фойдасини кўпайтиришдан иборат. Сотиладиган, яъни бозори чакқон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш – қишлоқ хўжалиги фермери

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январ куни Олий Мажлисга навбатдаги мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2020 йил 25 январ. № 19 (7521).

<sup>4</sup> Жигулина, Н. С. Агромаркетинг: сущность, особенности и направления развития / Н. С. Жигулина, Л. А. Ефимова. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2019. — № 46 (284). — С. 376-380. — URL: <https://moluch.ru/archive/284/64085/> (дата обращения: 04.05.2021)



фаолиятига маркетинг нуқтаи назаридан ёндашишининг асосий нишонидир.

Ёки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан олдин, қўлга киритилган маълумотларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тўлиқ ишлаб чиқариш ва мукамаллаштириш ва шундан кейингина шу товар билан бозорга чиқиш, қишлоқ хўжалиги фермери конкрет истеъмолчилари талабларини пухта ўрганишни тартибга солиш керак. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб, кейин уни сотиш билан боғлиқ бўлган қийинчиликларга дуч келмаслик лозим.

Қишлоқ хўжалигининг иш тизими мураккаб механизмдир. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда маркетинг алоҳида ўрин эгаллайди ва агромаркетинг тўғридан-тўғри қишлоқ хўжалиги корхоналарида ходимларни бошқариш,

инвестицияларни жалб қилиш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш кабиларга таъсир кўрсатади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида агромаркетингга йилдан-йилга эътибор кучайтириб борилмоқда. Ушбу соҳани ривожлантиришда турли самарали чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда, жумладан, фермерларга янги имкониятларни кенгайтириш, етказиб берувчилар ва сотиш каналлари табақалаштирилган, кредитлар, лизинглар беришда имтиёзлар қўлланилмоқда. Лекин шунга қарамасдан соҳада камчилик ва муаммолар ҳам учрамоқда. Эски усулларда ишлаб келаётган фермерларнинг янги усулларни қўллашда малака ва кўникмасини йўқлиги, инновацион жараёнларни ўзлаштиришни сустлиги ва бошқа шу кабилар.



1-расм. Агроткетинг хусусиятларини белгиловчи мақсадлар, вазифалар ва омиллар.



Шу ерда агромаркетингнинг хусусиятларига ҳам тўхталиб ўтиш лозим бўлиб, бу қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалаларига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Агромаркетингнинг хусусиятларини маркетинглар олдига қўядиган қўйидаги талаби орқали қўришимиз мумкин:

- бозор конъюктурасини ўрганиш, таҳлил этиш орқали қишлоқ хўжалигида маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва истеъмол кўрсаткичларини белгиланган истиқбол кўрсаткичларини мос келмаслиги, маркетингларни шу хусусиятни инобатга олган ҳолда мақбул вариантларни топиш устида ишлари лозимлиги;

- ҳудудларда қишлоқ хўжалиги маълум тур ва ассортиментда маҳсулотларини етказиб бериш ва сотиш ҳажмини белгилашда табиий шароитларни, ернинг табиий ва иқтисодий унумдорлигини ўрганган ҳолда белгилашлари,

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари биринчи даражали эҳтиёжни қондирувчи маҳсулотлар бўлганлиги сабабли,

шунингдек тез эскирувчи ва нобудбўлувчи маҳсулотлар бўлганлиги сабабли, қисқа муддатли оралиқлардаги керакли ҳажмдаги маҳсулотларни етказиб бериш ва сотиш ҳажмини ишлаб чиқишлари лозимлиги;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида маҳсулотлар ва уларни етказиб берувчи рақобатчиларнинг кўплиги сабабли, маркетинглар бозорга кириб бориш, у ерда ўз мижозлар гуруҳини шакллантириш, яшаб қолиш учун бир ўзгариб турувчан муҳитга мос равишда нечта стратегияларни ишлаб чиқишлари кераклиги;

- қишлоқ хўжалигинида агросаноат тизимини тўла ривожланмаганлиги сабабли, агромаркетинг тизимининг ҳам тўла ривожланмаганлигини қўришимиз мумкин. Шунинг учун маркетинглар агромаркетингни ривожлантириш учун илмий-асосланган бошқарув қарорларини қабул қилишлари, ривожланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишлари лозим бўлади.



**2-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори субъектлари ривожига таъсир қилувчи омиллар.**



Агроткетингни ривожлантиришда ундаги субъектлар фаолияти самарали ривожланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Лекин, бу бозор субъектларини ривожланишида бир қатор таъсир этувчи омиллар бўлиб, Ж.С.Атаев бу омилларни қуйидаги гуруҳлаштиради.<sup>5</sup>

Демак, қишлоқ хўжалиги бозори субъектларининг ривожланишига бир қатор ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади.

Булардан ташқари агроткетингни ривожлантиришга бир нечта муаммолар ва камчиликлар тўсиқ бўлмоқда:

- қишлоқ хўжалиги корхоналарида махсус, унинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда бошқарувчи ва ҳарактини мақбуллаштириб турувчи аниқ бир усулни йўқлиги;

- агроткетинг бўйича етук мутахассиларни йўқлиги;

- мамлакатимизда аграр соҳани ривожланиш даражасининг пастлиги; рақобат муҳитини тўла шаклланмаганлиги;

- жаҳон бозорига етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини аниқ бир талаб кўрсаткичлари, етказиб бериладиган бозор хусусиятлари бўйича амалиётнинг умуман ривожланмаганлиги, бу соҳа йўналишида илмий-амалий ривожланишни пастлиги,

- янги имкониятларни ҳаракатга келтириш, агроткетинг бўйича инновацион ривожланиш усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга эҳтиёжни катталиги;

- агроткетинг бўйича ахборотлар базаси тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш лозимлиги;

- қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларни жорий қилиш, электрон савдони ривожлантириш лозимлиги;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва унинг савдо бозорини узоқ ва қисқа муддатли прогнозлаштириш орқали озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлаш муаммоси;

- инновацион ечимларни жорий этиш лозимлиги; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг логистика инфратузилмаси самарадорлигининг пастлиги ва бошқалар.

Агроткетингни ривожлантириш борасидаги ушбу муаммолар ўз ечимини топс, соҳада янада кўпроқ иқтисодий ўсишга эришилади деб ўйлаймиз.

## Хулоса

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда агроткетингни янада ривожлантириш учун қуйидагиларни тақриф этамиз:

- ташқи бозорни чуқур ўрганган ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харидоргир турлари ва калибрларини етиштириш бўйича чуқур амалий чора-тадбирларни қўллаш;

- қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш, сотишни рағбатлантириш борасида самарали рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш;

- самарали лизинг сиёсатини ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш;

- агроткетингни ривожлантиришда қайтар алоқани ривожлантириш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини шакллантириш ва ривожлантиришда давлатнинг қўллаб-қувватлашини янада ривожлантириш.

Демак, агроткетинг мураккаб мажмуалардан иборат бўлиб, маркетинг

<sup>5</sup> Атаев Ж.Э. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида кичик бизнес ривожига таъсир этувчи асосий омиллар таснифи. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" Ilmiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel, 2020 yil, 142-б.



фаолиятини муайян тармоқларда ривожлантириш аниқ кутилган натижани бермаслиги мумкин. Шунинг учун агромаркетингни ривожлантиришда унга

боғлиқ бўлган соҳаларни ҳам ривожлантиришга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

## **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуи ва қишлоқ хўжалигида рақамлаштириш тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 794-сонли қарори. <https://www.lex.uz/>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январ куни Олий Мажлисга навбатдаги мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2020 йил 25 январ. № 19 (7521).
3. Атаев Ж.Э. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида кичик бизнес ривожига таъсир этувчи асосий омиллар таснифи. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Ilmiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel, 2020 yil, 142-б.
4. Aloyonovich, R. R. (2019). Economic efficiency of resource-saving technologies in the cotton industry system of indicators. *International Journal of Scientific and Technology Research*, 8(11), 3861-3863.
5. Dedajanov, B. N., & Ergasheva, F. I. (2019). ISSUES OF SUPPORT AND STIMULATION OF EXPORTING ENTERPRISES AND WAYS OF THEIR ELIMINATION. *Вестник Российского экономического университета им. ГВ Плеханова. Вступление. Путь в науку*, (3), 92-103.
6. Ibragimovna, F. E. (2019). Innovative technologies in the formation of students' entrepreneurial skills. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 8(8), 5-9.
7. Nabijanovich, D. B. (2019). Issues of support and stimulation of exporting enterprises and ways of their elimination. *American Journal of Economics and Business Management*, 2(3), 44-56.
8. Rahmatullo, R. (2016). Sectoral specificities by application of resource saving technology in cotton growing. *Economics*, (8 (17)).
9. Жигулина, Н. С. Агромаркетинг: сущность, особенности и направления развития / Н. С. Жигулина, Л. А. Ефимова. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2019. — № 46 (284). — С. 376-380. — URL: <https://moluch.ru/archive/284/64085/> (дата обращения: 04.05.2021).
10. Lutfulla Xabibullayevich Ubaydullayev, & Bakhtiyor Nabijanovich Dedajanov. (2021). THE DIGITAL ECONOMY: ADVANTAGES AND RISKS. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(01), 153-159. <https://doi.org/10.37547/jcass/volume02issue01-a23>
11. Позаботимся о будущем сельского хозяйства. - [www.bayer.ru](http://www.bayer.ru).
12. Ўзбекистон Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари. <https://www.stat.uz/uz/>.